Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 27 NOYABR ◆ SESHANBA ◆ № 140 (26.842)

## ҚАДРДОН ЗАМИН НАФАСИ

Германиянинг Веймар шаҳрида ҳозирги пайтда мамлакатда истиқомат қилаётган собиқ ватандошларимиз ҳамда Тюрингия федерал ерларининг муассасалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси Веймар маданиятлараро алоқалар жамоатчилик бирлашмаси билан ҳамкорликда уюштирди.

Учрашувда бу федерал ерларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари, савдо-саноат палатаси, олий ўқув юртлари вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Тадбирни очар экан, Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчиси В.Норов республикамизда мустақиллик йиллари давомида эришилган ютуқ-муваффақиятлар, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар ва улар бераётган самаралар, Ўзбекистон — Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожининг истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

Веймар шаҳри мэри Ф.Гермер ўзининг жавоб нутқида бугунги кунда Германиянинг ушбу вилоятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш бениҳоя катта эканлигини алоҳида таъкидлади. «Мустақиллигининг 10 йиллиги мобайнида амалга оширилган ишлар республикада ҳаётнинг барча жабҳаларида диққат-эътиборга молик даражадаги муваффақиятларга эришилганидан далолат беради. Бу мамлакат замонавий дунёмизда хавфсизлик масалаларини ҳал этишда ғоят муҳим аҳамият касб этаётир», деди у.

Мамлакатимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи, мустақил Ўзбекистоннинг асосий тараққиёт босқичлари акс эттан ҳужжатли фильм тадбир иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Миллий қўшиқ ва рақслар ижро этган ўзбек санъаткорларининг чиқишлари, Ўзбекистон халқ амалий санъати, тиллакор чеварлик санъатининг намуналари, шунингдек, рассомларнинг ўзбек халқи ҳаёти ҳамда қадрдон ўлкамиз табиатининг гўзал ва бетакрор манзаралари акс эттирилган асарлари кўргазмаси том маънода байрамона руҳда ўтган учрашувни янада бойитди.

■ «Жаҳон» АА

## ЎЗБЕК ЧАВАНДОЗЛАРИ



■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

## BU DUNYONING ISHLARI

### ВЕРТОЛЁТЛАР ҲУЖУМИ



Исроил ҳарбий вертолётлари якшанба куни эрталаб Фаластин бўйлаб ракета зарбалари уюштирган. Нишонга олинган нуқталар қаторида Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг Дир эл-Балоҳда жойлашган қароргоҳи ҳам бор. Ғазо шаҳридан шимолроқда жойлашган полиция участкаси вайрон қилинган, ракета зарбаси ФАТХ биносига ҳам тушган. Вертолётлар уюштирган учинчи ракетали зарба эса Ғазо секторининг жанубига, қочоқлар жойлашган лагерлар ёнидаги истеҳкомлар бўйлаб йўналтирилган.

Исроил ҳарбийлари ушбу ракеталар ҳужумини Кафар-Дарумда фаластинликлар томонидан уюштирилган терактларга жавоб тариқасида баҳолашган. Фаластинликлар эса буни «Исроил агрессиясининг янги акти» сифатида қабул қилишганини айтишади.

### ЎҚУВЧИЛАР ГАРОВДА

Кашмирда номаълум шахслар томонидан мактаб ўқитувчиси ўлдирилган ва ўқувчилар гаровга олиб кетилган.

Indian Express газетасининг ёзишича, номаълум ислом экстремист гуруҳлари мактабни эгаллашган ва 59 ёшли ўқитувчи Гулзор Ахмедни Ҳиндистон хавфсизлик хизмати билан бўлган алоқаси учун ўлдириб кетишган. Қуршовдан чиқаётиб эса жангарилар ўқувчиларни гаров сифатида олиб кетишган. Ўқувчилар сони ва бошқа қурбонлар ҳақида ҳали аниқ хабарлар йўқ.

### СУНЪИЙЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛМАГАН



АҚШнинг Advanced Cell Technolocy Inc компанияси яқинда ўз мутахассислари томонидан инсон эмбрионини клонлаштириш операцияси ўтказилганини маълум қилди. Бу операциядан мақсад клонлаштириш натижасида «ҳужайра базаси»ни олиш экан. Компания вакиллари ушбу тадқиқот инсонни сунъий яратиш дастурига қаратилмаганини алоҳида таъкидлаб ўтишади. Уларнинг сўзларига кўра, ушбу тадқиқот натижасида қўлга киритиладиган «ҳужайралар базаси»га замонавий тиббиёт жуда муҳтож. Бу ҳужайралардан кейинчалик инсоннинг ҳар қандай аъзосини ясаш мумкин бўларкан.

«Ўтказилган тадқиқотнинг илк натижалари инсон генини дастурлаш мумкинлигининг тасдиғини беради. Бундай тадқиқотни якунлаш жуда муҳим» дейилади компания мутахассислари томонидан тайёрланган баёнотда.

АҚШдаги мавжуд қонунларга кўра, клонлаштириш каби тажрибаларга давлат маблағи ажратилмайди. Мазкур компания эса тадқиқотларни хусусий маблағи эвазига ўтказган.

## БЎЛАЖАК ТАБОБАТЧИЛАРНИ ЎЙЛАБ

Нукусда Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртларининг кўчма йиғилиши бўлди. Йиғилишда биринчи, иккинчи Тошкент тиббиёт институтлари ректорлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар бошқармаси бошлиғи ва бошқа етакчи тиббиёт олий ўқув юртлари ректор ҳамда проректорлари қатнашдилар.

Йиғилишда ўқув жараёни, таълим-тарбия ишларининг бориши, тиббиёт институтларининг моддий-техника базаси тўғрисидаги масалалар кўрилди. Шунингдек, экологик шароитда яшаб ўқиётган талабаларнинг ҳаёти, замон талабларига мос технологик ускуналар билан таъминлаш, кадрлар тайёрлашнинг сифатига оид вазифалар, камчиликлару муаммолар ҳақида мулоҳаза юритилди.

■ Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

## ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

*Учқўрғонликлар меҳнатни ҳам, хурсандчиликни ҳам жойига қўядиган халқ. Туманда пахта тайёрлаш режаси бажарилган куни байрам бўлиб кетди. Пахтакорларни 37750 тонналик хирмон билан қутлагани ташриф буюрган вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов Қайқи қишлоғида бунёд бўлган янги коллежнинг очилиш маросимида ҳам қатнашди.*

*Жаҳон андозаларига мосланган, 1 миллиард сўм маблағ сарфланган мазкур билим даргоҳида савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассислари тайёрланади. Коллежни «Сардор» хусусий фирмаси қурувчилари битказдилар.*

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

## ДАСТУРЛАРНИ МОЛИЯЛАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт Дастури раҳбарининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт Дастурининг Европа мамлакатлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақавий бюроси директори Калман Мижеи журналистлар билан учрашди.

— Ташрифим давомида Президент девони, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида бўлдим, — деди жаноб Калман Мижеи **«Туркистон-пресс» мухбирига.** — Ҳукумат раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлик, атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида фикрлашдик.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўлида 1993 йилдан буён икки томонлама фаол ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги пайтда республикангизда тўртта дастур ва саккизта лойиҳа устида иш олиб боріляпти. Кичик ва ўрта тадбиркорликни микрокредитлаш, ахборот ва коммуникация, атроф-муҳит муҳофазаси, техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, фавқулодда вазиятларда кўмаклашиш, аср вабосига айланган ОИТСга қарши кураш масалалари шулар жумласидандир.

Калман Мижеининг таъкидлашича, 2000-2004 йиллар давомида жами дастур ва лойиҳаларни молиялашга 75 миллион 770 минг АҚШ доллари сарфланди.

Жаноб Калман Мижеи журналистларнинг саволларига жавоб бериб, дунё ҳамжамияти билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун таълим соҳасида бошланғич иқтисодий билим беришга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2002 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ХРОНИКА

## АФҒОНИСТОНДА БИР КУН

Одатда узоқроқ манзилга, бунинг устига четга чиқмоқчи бўлсангиз бироз тараддудланасиз. Аммо ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Ўтган якшанба куни Сурхондарё вилоят ҳокимининг матбуот котиби Рамазон Ашуров уйга телефон қилиб қолди:

— Дунё давлатларидан келган мухбирлар Афғонистонга ўтишмоқчи.

Хуллас, Афғонистонга ўтиб келиш имконияти туғилган эди.

Афғонистондаги воқеаларни эса бугунги кунда бутун дунё сергак кузатиб турибди десам хато бўлмас. Шу боис, мана икки ойдан ошиқроқ вақтдан буён Термиз шаҳрида қарийб дунёнинг 60 га яқин давлатларидан келган 100 дан зиёд оммавий ахборот воситалари ходимларини учратиш мумкин. Шу куни ҳам Термиз дарё портидан биз билан бирга 53 нафар хорижлик журналистлар Афғонистонга ўтишди.

Термиз дарё портидан бизни Ҳайратон портига олиб жўнаган «Сурхон тонги» деб номланган пароход катта баржани тортганча дарё оқимига қарши сузарди.

Тасаввуримдагидан анча кенг ва улуғвор бўлган Амударёга боқаман ва бир пайтлар қаердадир ўқиганим ёдимга тушади: юнон тарихчиси Арриан: «Александр Македонский лашкарлари Окснинг чап қирғоғидан ўнг қирғоғига кечиб ўтиладиган гузарнинг кенглиги олти стадий, яъни бир километр чамаси эди», — дейди. Кўнглимдан ўтказган бу фикрни тасдиқлатиб олмоқчидай, ҳамроҳим ЎзТВнинг мухбири, тележурналист Жўрақул Турсуновдан сўрадим.

— Дарёнинг эни қанча экан-а?

У нигоҳларини Афғонистон соҳилларидан узмай жавоб берди:

— Бир километрча бордир...

Афғонистондаги кейинги воқеалар сабабми, нариги соҳилда салла ўраган биринчи одам кўрганиданоқ баржадаги барча камералар унга қаратилди. Фотоаппаратлар ишга тушди. У эса дарё қирғоғида тик турганча бунга жавобан қўл силкитарди...

...Баржада хорижлик ҳамроҳларимиздан айримлари билан суҳбатлашдим:

— Афғонистон тарафга иккинчи бор ўтишим, — дейди Япониядаги мустақил «Майнити» газетасининг мухбири Танака Хироюки. Бир ойча бурун Файзобод ва Хўжабаҳовуддин сингари жойларда бўлган эдим. Мақсадим афғон халқи айни пайтда қандай яшаяпти, нима ишлар билан банд? Қолаверса, бутун дунёдан юборилаётган инсонпарварлик ёрдамларининг тарқатилишига диққатни қаратмоқчиман.

— Ўзбекистон ҳақида аввал ҳам эшитган эдим. Аммо ўз кўзинг билан кўрсанг бошқача экан, — дейди Швейцариянинг «SWISS-TB» телекомпанияси махсус мухбири Ханс Симжетан, — меҳмондўст, кўнгли очиқ, ёруғ юзли ўзбек халқидай одамларни бошқа жойда учратмаганман. Қаранг, дарёнинг бу томони —Афғонистондаги аҳволни. Бу икки қирғоқдаги икки юртни бир-бирига мутлақо таққослаб бўлмайди. Юртингиздаги тинчлик, аҳилликни кўриб ҳавас қилса арзийди. Бир ҳафтача Термиз шаҳрида ҳам бўлдим. Жуда гўзал шаҳар, Тошкент эса таърифига тил ожиз кент экан.



Ҳайратон дарё портида инсонпарварлик юклари туширилмоқда

Мана, ниҳоят манзилга ҳам яқинлашиб қолдик. Бир соатдан сал кўпроқ юрган баржа Афғонистоннинг Ҳайратон дарё портига етиб келаяпти. Узоқдан бизни қирғоқдаги юзлаб афғонистонликлар қўл силкитиб олқишлайдилар

— Хуш келибсиз, хуш келибсиз!

Ҳайратон дарё портида эса одамлар гавжум. Термиз дарё портидан жўнатилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами юклари туширилаётганди.

Бизни Ҳайратон порти бошлиғи Абдулҳакимжон илиқ кутиб олди. — Минг ташаккур, дейди у, — ҳақиқий дўст оғир кунда билинади. Ўзбеклар афғон халқининг чинакам дўсти экан. Кунора юртингиз орқали қанчадан-қанча юкларни қабул қилиб оляпмиз. Президентингиз Ислом Каримовдан чексиз миннатдормиз. У кишининг номига ҳар куни дуо қилаяпмиз, — дея у бизга йўлбошчилик қилди.

— Дарё портидан унча узоқ бўлмаган жойда Ҳайратон шаҳрининг бозори жойлашган экан. Кеч тушиб қолишига қарамай йўл четидаги бозорча гавжум эди. Биз одамлар билан суҳбатлашмоқчи бўлиб шу ерда машинани тўхтатишларини сўрадик.

— Ҳозир юртимиз, Оллоҳга шукр тинч, аста-секин ўз ҳолига тушаяпти, — дейди суҳбатдошларимиздан бири касби кори ўқитувчи бўлган Ҳабибулло Салим. — Ҳукуматни толиблар эгаллагандан кейин аҳвол чатоқ бўлди. Мана бу бозорлар ҳам ҳозиргидай тўкис эмас эди. Мактаблар бутунлай ёпиб қўйилди. Аёлларимиз эса уйдан чиқолмай қолишди. Ҳозир душман қувилди. Энди, иншооллоҳ, Афғонистон тинч бўлсин.

Дарҳақиқат, Ҳайратон шаҳрининг бозори анча обод эди. Нарх-наво билан қизиқдик. Дўкондорлардан бири Шомаҳмуд, бозордаги барча нарсалар ҳақида маълумот берди.

Айтайлик, бир кило олманинг нархи — 70 минг афғони, демак, бу ўзимизнинг пулга 700-750 сўмга тўғри келади. 1 кило апелсин — 450-500 сўм, анор — 300-400 сўм, битта нон 150 сўм атрофида экан. Айни пайтда Афғонистон Республикасида Қамарий йил ҳисобида 1380 йил бўлиб, қавс ойи ҳисобланади. Одамларнинг кўпчилиги рўза тутишган. У ерда рўза тутиш, яъни саҳарлик қилиш 3.30 дан 5.30 гача, оғиз очиш эса соат 5 дан кейин белгиланган экан. Ҳозирги пайтда Ҳайратонга одамлар яна қайтиб келишмоқда. Чунки уруш туфайли минглаб кишилар шаҳарни ташлаб кетишган эдилар. Бу ерда ҳозир 2 та мактаб ва 2 та шифохона бор. Мактаб ва шифохоналарнинг аҳволи ҳавас қиладиган даражада эмас, аммо имкон қадар шарт-шароит муҳайё этилган.

Ҳайратондан Мозори Шарифгача 1 соатлик йўл. Биз ўтирган машинани эпчиллик билан бошқариб бораётган Саҳибулло деган афғон йигити оз-моз ўзбекчани ҳам тушунади. Унга биз шу атрофдаги қишлоқлардан бирига тўхташни илтимос қилдик. У бажонидил бизни Мозори Шарифга яқин бўлган қишлоқлардан бири — Гардиз қишлоғи билан таништирди.

Қишлоқ одамлари асосан чорвачилик билан шуғулланишар экан. Пахса уйлар, кичик-кичик ҳовлилар. Ҳар бир уйда ўчоқ, тандир бор. Фақат тандирлари тик ҳолда қўйилган. Уй томларининг устида деярли шифер йўқ, фақат қамиш босилиб, лойсувоқ қилинган.

Афғонистон юртига илк қадамимиз ва илк танишувимиз шундай кечди.

■ Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Термиз — Ҳайратон — Термиз



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

МАКТУБ

# МЕН ҲАМ МУНДИР КИЙГАНМАН, ЛЕКИН СЕН КИЙГАН МУНДИР МУҚАДДАСДИР

## (КОМИЛ БОБОНИНГ НАБИРАСИГА ЁЗГАНЛАРИ)

*Набирам Озодбек! Бугун сен каби мен учун ҳам қувончли кун. Бундай дейишимнинг боиси бор, албатта. Ҳа, бугун сен мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳарбий зобитисан. Устингдаги зобитлик мундирингда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш каби буюк боболаримизнинг, миллатимизнинг, мустақил ўзбек давлатининг фахри ўз ифодасини топган. Сен муқаддас бир вазифани ўз зиммангга олаяпсан, бу вазифа Ватан тинчлиги, Ватан ҳимоясидир. Эр кишининг зиммасига шундай масъулият юкланар экан бу шарафдир. Ортингда муқаддас она Ватан, отанг, онанг, севимли оиланг, биродарларинг, қариндош-уруғларинг, ватандошларинг турибди. Уларнинг тинч-тотув яшашида, равнақида оз бўлсада сенинг ҳам хизматинг бўлади.*

*Озодбек! Сен ҳаётдан осон йўл излаб, ширин турмушни кўзламаяпсан. Тўғри, зобитлик кишидан катта билимни, жисмонан етукликни талаб этади.*

*Огоҳлик, ҳушёрликни йўқотмаслик — энг олий фазилат.*

*Юрт тинчлигини, унинг порлоқ келажагини, халқимизнинг фаровон турмушини ўйлаган тенгдошларинг сенинг йўлингдан бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, биз танлаган йўл — истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас. Унинг порлоқ келажагига, тараққиётига тўсиқ бўлишга ҳаракат қилаётган ғанимлар йўқ эмас. Олдинда ҳар жиҳатдан улкан вазифалар турибди. Буни нафақат ҳис этибгина қолмай, балки амалий ҳаракатлар йўли билан амалга ошириш лозим.*

*Сўзим аввалида мен ҳам мундир кийганман дедим. Ҳа, зобитлик мундирини кийганман. Ягона мафкура хукмрон бўлган собиқ шўро даврида яшадим, хизмат қилдим. Мундиримда на юртимнинг, на миллатимнинг, на маданиятимизнинг, бой тарихимизнинг, буюк боболаримизнинг, тилимизнинг бирон-бир тимсолини кўрмадим. Умумий халқ, умумий Ватан, умумий маданият тушунчаси билан кўр-кўрона яшадик. Шундай бўлгач кишида на Ватан, на миллат ғурури қаердан бўлсин?!*

*Озодбек! Мана ўн йилдирки халқимиз, миллатимиз бир асосий тушунча билан яшаяпти — мустақилликни мустаҳкамлаб буюк келажак сари дадил қадам ташламоқда. Бугун Ўзбекистонни жаҳон эътироф этаяпти. Ўз навбатида унинг тинчликсевар армиясини ҳам. Жаҳон сенинг мундирингда, сенинг билимингда, сенинг маҳоратингда, сенинг хатти-ҳаракатингда Ўзбекистон халқини, бой ўтмишини, маданиятини, шу билан бирга порлоқ келажак йўлидаги бунёдкорликни, ҳукуматимиз, айниқса, Президентимизнинг ер юзида тинчлик учун олиб бораётган сиёсатининг амалий ҳаракатини кўрди.*

*Ҳа, ер юзида Ўзбекистон деган Давлат бор. Унинг байроғи, герби, Конституцияси, армияси бор. Ортингда бепоён Ватанинг турибди. Ана шу Ватан тақдири — сенинг тақдирингдир. Ватанга, миллатингга, Президентингга содиқ бўл, Озодбек! Мен ҳам зобитлик мундирини кийганман, лекин сен кийган мундир муқаддасдир!*

■ **Мактубни оққа туширувчи: Абдуазим АЛИМОВ, тележурналист**

## «ЖИЗЗАХ ТОНГИ»

Жиззах вилоят телевидениеси ижодкорлари кўп сонли телетомошабинларнинг истаклари асосида янги «Жиззах тонги» ахборот дам олиш дастурини йўлга қўйдилар.

— Ҳар куни тонгда намойиш этилаётган ушбу дастурдан вилоят, мамлакат ва хориж хабарлари, воқеа жойларидан репортажлар, таниқли кишилар билан мулоқотлар, қисқа фильм ва шубҳасиз, дилрабо куй-қўшиқ ҳамда жозибали рақслар ўрин олаяпти, — дейди вилоят телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари Эркин Шермонов.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 27 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 353,39 | 10 Люксембург франки | 149,03 |
| 1 Австрия шиллинги | 43,69 | 1 Малайзия ринггити | 179,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 966,48 | 1 Германия маркаси | 307,39 |
| 10 Бельгия франки | 149,03 | 1 Польша злотийси | 165,94 |
| 1 Голландия гульдени | 272,81 | 1 СДР | 862,81 |
| 10 Греция драхмаси | 17,65 | 1000 Туркия лираси | 0,46 |
| 1 Дания кронаси | 80,80 | 1 Финляндия маркаси | 101,11 |
| 1 БАА дирхами | 186,09 | 1 Франция франки | 91,65 |
| 1 АҚШ доллари | 683,41 | 1 Швейцария франки | 411,10 |
| 1 Миср фунти | 160,80 | 1 ЕВРО | 601,20 |
| 10 Испания песети | 36,13 | 10 Жанубий Корея вони | 5,42 |
| 100 Италия лираси | 31,05 | 10 Япония иенаси | 55,08 |
| 1 Канада доллари | 427,29 | 1 Россия рубли | 22,83 |
| 1 Хитой юани | 82,57 | 1 Украина гривнаси | 129,55 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

САОДАТ



# ФАРАХБАХШ ТОНГЛАРГА ШУКР

Мустабид даврда мулк ва мулкдорлик, шахсий ва хусусийлик нималигини яхши билмаган меҳнат кишиси бугун ер эгаси, кўчмас мулк хўжайинидир. У айни кезда ўзимники, ўз оиламники, деган тушунчага, ғururга эга.

Айниқса, истиқлол шарофати боис кенг қулоч ёйган тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни айтмайсизми? Ўзим тадбиркор, қолаверса, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мутасаддиси, мутахассиси бўлганлигим учун ҳам республикадаги туб ислоҳотларни, кўп укладли иқтисодиётни, энг муҳими иқтисод механизмини шакллантиришдаги давлат сиёсати янада кенгроқ амал қилишини, ташаббускорлик ҳаракатига айланишини истайман.

Вазифаларимиз мазмун-моҳияти, бутун бир шакл-шамойили, кўп укладли иқтисод, тадбиркорликка кенг йўл очиш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, шахсий сектор ҳамда кичик ва ўрта бизнес ривожи билан уйғун экан, бор куч ҳамда билимимизни аямай меҳнат қилаверамиз. Ўтган йили бошқармамиз жамоаси кўмагида 23 та объект давлат тасарруфидан чиқарилди ва уларнинг ҳаммаси акциядорлик, масъулияти чекланган ҳамда хусусий корхоналарга айлантирилди. Бултур хусусийлаштиришни ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг ҳамма манбаларидан маблағларни жалб қилиш ҳажми 373 миллион 368,4 минг сўмга бажарилди. Натижада йиллик режа 127,5 фоизга уддаланди. Жорий йилнинг ўтган 7 ойида ҳам бошқарма бўйича жами 352,1 миллион сўмлик маблағ тушумига эришилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулк эгалари синфини шакллантириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини яратиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бир-бирига уйғун тарзда амалга оширилаяпти. Айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик ишимизнинг асосий мезонини ташкил этади. 2001 йил 1 август ҳолатига кўра вилоятда 6916 та хўжалик субъекти бўлиб, уларнинг 90,5 фоизини кичик ва ўрта бизнесчилар ташкил этади. Айни кезда вилоят бўйича жами 8492 та хусусий тадбиркор бўлиб, улар турли соҳаларда фаолият кўрсатишаяпти. Шунингдек, 1852 та у ёки бу фермер хўжаликлари ҳам бўлиб, уларнинг 619 таси юридик мақомга эга бўлган якка деҳқон хўжаликларидир. Уларда 23 мингдан ортиқ меҳнат кишиси фаолият кўрсатаяпти. Бу ишга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи демакдир.

Юртбошимиз тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиш, бу хайрли иш мутасаддиларида адолат, ҳақиқат устувор бўлишлиги хусусида куюниб гапирадилар. Бу асосан биз раҳбарларнинг бугунги саъй-ҳаракати, вазифасига берилган танқидий баҳодир. Бу танқид зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Ниятим ана шундай дорилломон кунларга асло кўз тегмасин.

■ **Музаффар ИСМАТОВ, Навоий вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими ўринбосари**





■ А. МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар

***«Тахиатош темир-бетон буюмлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳозирги вақтда 30 турдан ортиқ темир-бетон буюмларини ишлаб чиқармоқда. Бу ерда иш буюртмачилар эҳтиёжи бўйича олиб борилаётир.***

**Суратларда:** 1. Акциядорлик жамияти бошлиғи ўринбосари (ўртада) П.Сейтанов, ишлаб чиқариш бўйича мудир С.Реймов, арматура цехи мудири А.Менгбегалиев, ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Б.Бегимовлар иш устида. 2. Бетонли қолип қуйиш майдончасида.




ЁШЛИК — БЕБОШЛИК ЭМАСДИ-КУ?!

# «БОЛАМДАН ВОЗ КЕЧОЛМАДИМ...»

**Бахтни ошкора излаган одамни ҳеч учратганмисиз? Сиздан бирортаси «Бахтнинг манзили қаерда?» деб сўраганми? Ғалати савол-а? Аслида бунинг ғалати жойи йўқ экан. Яқинда кечки пайт бекатда турсам, газета сотувчи аёл келиб қолди. Ҳаммага олди-қочдилар чоп этиладиган газеталарни таклиф қила кетди. Бир маҳал ёнимдаги гўдак қучоқлаган ёшгина аёлнинг: «Мен газета ўқимайман. Сабаби бу газетада менга ўхшаганлар ҳақида ёзишмайди, қаердаги олди-қочди гаплар. Менга нима нафи бор?» деган гапини эшитиб, ҳайрат билан унга қарадим.**

**— Бўлмаса, нимани ёзишсин? — қизиқсиндим.**

**У ялт этиб менга қаради, кўзларида қаҳр, қаттиқ тикилди.**

**— Мана, сиз айтинг-чи, бахтнинг манзили борми? — у менга янада қаттиқ тикилди.**

— Бахтнинг манзилими?! Тавба, умримда эшитмаганман бунақа саволни! — деди хохолаб бир жувон. Томошаталаблар қизиқсиниб қарашарди. Аёл бўлса жувоннинг гапига аҳамият ҳам бермай яна менга деди:

— Мана, мен бахтли бўлишни истайман! Қизчам Бахтигул...

— Вой, тавба! Бахтли бўлишни хоҳлармишлар?! Бахтигул, бах-ти-г-у-ул, деган билан бахт чопқиллаб келаркан-да! Курашиш керак! — кексароқ аёл уни узиб олди.

— Ким билан курашиш керак? — аёл энди астойдил «жанг»га киришди. Автобус келди-ю, ҳамма қўзғалиб қолди.

— Айтинг-чи, сиз бахтли бўлишни истармидингиз? Бахтлимисиз? Уни қаердан олдингиз? — энди у бу саволларни ўкинч билан қайтарарди менга.

— Яхшиси, сиз менга бахтни қаердан излаганингизни-ю, нимага тополмаётганингизни айта қолинг, — секингина сўрадим.

Биз омонатгина ўриндиққа чўкдик.

«Мен ҳам бахтли бўлишни хоҳлайман. Нима қилай, севишни, севилишни ҳаддан зиёд истасам? Бошимга не-не кулфатлар тушсаям, барибир, бахтли бўлишни хоҳлайман. Биламан, барибарига ўзим, ёлғиз ўзим айбдорман.

7-синфдан биз бир-биримизни яхши кўрардик. У билан бахтли бўламан, деб ишонардим. Лекин улғайган сари ўзимдаги нуқсон сабаб юрагимни ҳадик кемира бошлади. Ундан ажралиб қолишдан қўрқардим. Аммо Тоҳирга дардимни айтишга иккиланардим. Онам болалигимда ўлиб кетганлар. Дардимга дардкаш тополмасдим. «Оқ доғи бор экан» деган гап-сўз тарқалишидан чўчирдим. Мактабни битирув кечаси ўзимда куч топдим, унга «баданимда тангадай оқ бор» дедим. «Нима қипти, оқ бўлса, у юқмайди-ку, барибир сени севаверман» деди. Бахт, қувонч деганини шунда сездим.

Дадам, ўгай ойим ҳам бизнинг севгимизга қарши эмасди. Бир қишлоқда яшасакда тинмай хат ёзишардик, унинг сўзини икки қилмай шаҳарга ўқишга бормадим. Мен унга шунчалик боғланиб қолдимки...

Уйимиздан совчилар аримай қолди. Ўгай ойим «Анаву йигит уйланса — уйлансин, йўқса дадангга айтаман, бошқага берамиз сени», — дея талаб қўя бошлади. Бу гапни унга айтдим. У эса «сабр қил, уйланаман» дея ваъда берарди. Кўнглимда нотинчлик уйғонди. Шундай кунларнинг бирида далада чопиқ қилатуриб кўзим тиниб йиқилиб қолдим. Тоҳир бундан хабар топиб «Холида, олдин ҳам шундай бўлармидинг?» деб сўради. Шу-шу Тоҳир мендан ўзини олиб қочадиган бўп қолди. Уйда кўрпа-тўшак қилиб ётсам қишлоқда: «Тоҳирга қиз унаштиришибди» деган гап тарқалди. Баттар оғирлашиб қолдим. Ўгай онам бўлса тинмай зуғум қиларди: «Ана, бойвачча йигитинг сени ташлаб кетди-ку, мен топган куёвга ноз қилувдинг, баттар бўл, нима, ҳажрида куйиб ётаверасанми, ишга чиқ...» Менинг эса кўнглим айнирди. Буни эшитиб ойимнинг ранги бўзрайди-да, докторга чопди. Ойимнинг: «Нима?! Ҳомила... Вақт ўтган?! Вой, шўрим, етимча ўлгур...» дея қарғаётганини элас-элас эшитдим. Кунларим дўзахга айланди, мен бир куни ярим тунда пайт топиб, уйдан қочиб Тоҳирникига бордим. Кўчада дўстлари билан пиво ичиб, нарда ўйнаб ўтирган экан. Чақирсам келмади:

— Келавер, нима гапинг бор, айт, менинг булардан яширадиган сирим йўқ, — деди-ю ўйинини давом эттираверди.

— Тоҳир! Биз ҳоли гаплашиб олишимиз керак, илтимос, юринг... — дедим. Йигитлар жимиб қолишди. Айримлари секингина туриб кетди. Фақат синфдошимиз Ҳакимгина «сири»мизни билгани учунми индамай ўтираверди.

— Тоҳир, илтимос, икки оғиз гапим бор, юринг... Орамиздаги... севги ҳурмати, гаплашиб олайлик... — дедим ёлвориб. — Ахир орамиздаги аҳд-паймонимиз қани?

— Аҳд?! Қанақа аҳд-паймон? Холида, қўй шу гапларни, онамни биласан, ҳозир сени кўрса... жанжалга тоқатим йўқ.

— Шунақами? Номард, наҳотки беш йиллик муҳаббатимизнинг бир чақалик... ахир орамизда бола... — гапиролмай хўнграб юбордим.

— Тоҳир, оғайни, йигитнинг гапини гапир, ахир бутун қишлоқ билади-ку, ораларингдаги муносабатни... — Ҳаким аралашди.

— Муносабат эмиш... Сен нимани билардинг? Уни севгандирман... Лекин мен унинг баданидаги оқ доғини...



Дунё кўзимга қоронғу бўп кетди. Шу-шу бошқа уни йўқламадим. Дадам, ойим харчанд мажбурламасин уни бошқа қидирмадим, у ҳам. Мен ўзимга сирдош ахтариб, изтироб чекардим, дардимни айтишга, юрагимни ёришга, бир оғиз маслаҳатга зор эдим. Мен ана шунда дардимга шерик бўлгувчи ўз онаизорим йўқлигидан афсусландим. Ой-куним яқинлашгач, дадам узоқ бир танишиникига ярим тунда олиб бориб ташлади. Билсам уларнинг боласи йўқ экан. Шу пайтгача боладан қутилиш йўлини ахтарардим, бефарзанд аёлни кўргач эса кўнглимда ғалати ҳис уйғонди. Эр-хотин мендаги ўзгаришни сездими, отамни чақиртиришди. Дадам келиб қаттиқ тегди. Ўша тунда мени тўлғоқ тутди. Хонадон соҳиби раҳмдил эканми, мотоциклда туман марказидаги туғрукхонага олиб борди. Ортимдан эса унинг хотини йиғлаб-қарғаб қолаверди. Ташлаганга тош тегмас деганлари рост экан. Омон-эсон кўзим ёриди. Ўлимимга минг бор рози эдим. «Эрсиз туғибди» деган гап-сўз бир зумда туғрукхонага тарқабди. Йўлакка чиқсам ҳам, хонадаям шу гап: «Ташлаб кет болангни, нима қиласан бошингга дардисар қилиб...»

Доя шифокор мен билан узоқ гаплашди: «Болангдан воз кеч, бадавлат бир оилага бераман... Ана, маза қилиб яша... Ёш, чиройли бўлсанг».

Нафратланиб кетдим, ҳаётдан, одамлардан бездим. Шифтга тикилганча, иситма аралаш ётавердим-ётавердим. «Ростанам ташласаммикин? Энди бола билан қаерга бораман? Эй, худо, ўзинг ёрдам бер... Яхшиси, бош олиб кетаман!» Шу пайт чақалоқни олиб келишди. Уни қўлга олишга қўрқардим. Ёнимга ётқизиб кетишди. Унинг юз-кўзига узоқ тикилдим. Кейин ич-ичимдан эзилиб-эзилиб йиғладим. Етимлигимга, шўрпешоналигимга, бахтим қаролигига ўкиниб-ўкиниб йиғладим. Чақалоқ бўлса пиш-пиш ухларди. «Сени охирги бор кўришим, эртага сени ташлаб бошим оққан томонга кетаман...» Шу алфозда қанча ўтирдим билмайман. Ҳамшира кириб қолди. «Қизим, баридан хабарим бор. Ташлагинг келмаса ташлама, худонинг сенга атаган яхши куниям бордир, сени кўргани ойинг келибди, ташқарида» деди. Ойим салом-аликсиз: «Билиб қўй, агар болани ташласа, майли шаҳарга кетсин, деяпти даданг, йўқ, десанг қишлоқда қорангни кўрсатма» деди-ю, жўнади. Шу кеча тушимга онажоним кирибди. «Қизим, етимлик оғирми?» дедилар. «Ҳа, онажон, оғир, жуда оғир», дедим. «Унда уни етим қилма...» дедилар «Нега мени ташлаб кетдингиз? Онажон ўгай онам мени ёмон кўради... «Йўқ, сен ундан хафа бўлма, ахир у чақалоқнинг исини искамаганда...»

Уйғондим-у, пиш-пиш ухлаётган қизалоғимни бағримга босдим, узоқ ҳидладим, дарҳақиқат, бола ҳиди ҳеч нарсага ўхшамасди. Ҳамшира аёл чақалоғимга гувоҳнома олиб келди. Очиб қарасам: Бахтигул деб исм қўйибди. Туғрукхонадан чиқиб такси олиб тўғри қишлоққа йўл олдим. Кўча бошида қийчув қилиб келаётган куёв навкарларга кўзим тушди. Машинани секинлатдим, юрагим бежо ура бошлади... Куёв! Тоҳир зар чопонларга бурканиб куёв бўлиб кетарди...

Қишлоққа бормадим. Катта шаҳарнинг бағри кенг экан... Лекин шаҳарга бахт қидириб келмадим. Одамлардан, ўзимдан безиб келдим. Қизим билан яшаяпмиз, ишлаяпман... Кун кўряпмиз. Лекин, буларни нимага айтяпман, билмайман».

Ҳолида йиғламади, кўзларида заррача нам кўрмадим. Сўнг у атрофга қаради, елка қисиб асабий кулиб қўйди. Атрофга қарадим, иккимиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. У менга яна қайта-қайта шу саволни берди: «Айтинг, бахтли бўлиш учун нима қилай? Биласизми, мен иродасиз одамман, шекилли, боламдан воз кечолмадим...» Мен узоқ ўйландим, каловланиб тураверди. Аслида аёл жавоб ҳам кутмасди. У шу саволни ўз-ўзига берарди. Мен ҳам бахтни қаердан излашни, очиғи, бахт манзилини билмасдим...

Жўяли бирор маслаҳат ёхуд бирор жавоб ҳозир унинг ўртанган кўнглига таскин беролмаслигини англадим. Жимгина кўзларига тикилдим... «Майли... Бўлмаса, айтганларимни ёзманг, элга достон қилманг, кейин... энди нима фойдаси бор?» У шундай деди-да, одамлар ичига сингиб кетди.

Ўйланганча қолавердим. Ҳув узоққа бориб қизчасининг қўлчаларини кўтариб «хайр-хайр» қилдирди-да, юз-кўзларидан ўпа бошлади. Гўдак эса дунёнинг ташвишларидан бехабар она бағрида шодон-шодон қийқириб куларди. У ўзи безган одамлар орасида кўринмай кетди.

Шу кезда унинг қаҳри қаттиқ отасиниям, чақалоқ исини билмаган ўгай онасиниям, уни бахтиқаро қилган Тоҳирниям, дўхтирниям заррача ўйламасдим. Фақат Бахтигулни ўйлардим. Сўқирдайин «бахт» излаётган Аёл аслида нақадар бахтлилигини, ахир оналикни кашф қилолмаганлардан чандон бахтлилигини англадим. Афсус кеч англадим. Унинг ўзига шуни айтолмадим. Биламан, бир кун келиб ҳаёт буни унга айтади.

■ **Саида САЙХУН**

ЗАМИНУ ЗАМОН

Азим СУЮН,
Қўчқор НОРҚОБИЛ

# ТИНЧЛИК ЙЎЛИ - ИНСОНИЯТ ЙЎЛИ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

**Бундан роппа-роса беш йил олдин, худди шу мавзудаги мақоламиз республикамиз матбуотида эълон қилинганди. Аёнки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кунданоқ дунё сиёсати майдонига тинчлик, дея кириб келди. Юрт раҳбари Ватанимиз манфаати, халқимиз саодати, минтақада тинчлик ҳукм суриши учун жаҳоннинг илғор давлатлари томошабин бўлиб ўтирмаслиги, билъакс Ўзбекистон билан ёндош Афғонистонда осойишталикни қўлга киритиш зарурлигини катта-катта анжуману минбарларда уқтирди. Ўзбекистон ўз йўлини инсоният иқболи, тинчлиги билан бевосита боғлаган давлат, унинг Президенти эса ана шу улуғ тушунчаларнинг амалга ошишида дунёнинг ҳормас ва толмас сиёсатчи раҳбарларидан бири. Ушбу мақоламизда эса, аввалгисини давом эткизиб, яъни Юртбошимизнинг тинчлик учун олиб борган сиёсатини қаламга олишга уриндик. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати инсоният келажаги — тинчлик билан бевосита боғлиқ 50 дан ортиқ тарихий воқеалар ташаббускорига айланди. Буни факт ва далиллар исботлайди.**

*Инсон кўзини очиб, мана шу ҳаёт экан-да, деган илк тасаввурга келгунга қадар ҳам ер юзида тириклик бор эди. Буни олимлар жуда узоқ ва қадимийлик билан боғлашади. Дейлик ҳаёт пайдо бўлганига тўрт миллион йилдан ортиқ вақт ўтган эрса-да, сайёрамизда ҳаёт неча бора алмашди, тугади, қайтадан пайдо бўлди, яна тугади, тағин қайтадан пайдо бўлди — бу даврларда ўсимлик, ҳайвонот олами, борлиқ — об-ҳаво, иқлим мутлоқ янгиланди. Ер юзини сув босди, муз қоплади, ўт чирмади, бора-бора ҳаво, тупроқ, сув мувозанати вужудга келди, ибтидоий аждодларимиз пайтидан то бугунга қадар она-замин, нафақат табиат номутаносиблиги, балки инсониятнинг, одам болаларининг орасидаги келишмовчиликларнинг гувоҳи бўлиб турибди одамзот. Худо кўрсатмасин сув билан тупроқнинг, ой билан қуёшнинг, шамол билан тирикликнинг орасидаги мувозанат эмас, шу заминнинг тириклиги гултожи одамзот орасидаги мувозанатга дарз кетиши, алалоқибат, дунё ҳалокат сари кетиб боришига ишорадир. Қуёш жойида. Замин ўз ўқи атрофида. Бўрон ерни кўчириб учирмаяпти, сув ҳаётни ғарқ этмаяпти. (Тўғри, у ер-бу ерда табиий офатлар бўлиб турибди, табиат назаримизда ўз қаҳридан бандаларни огоҳ этиб ҳам қўяяпти, шунда англаяпмизки, табиий офатлар олдида ҳамиша одамзот эсанкираб, ақли ҳушини йўқотади — қўлидан ҳеч нарса келмайди). Бу фикрларни айтиб ўтишимиздан мақсад, борлиқ сокин мувозанатда турган пайтда одамнинг одам билан келишолмай, урушдан боши чиқмай яшаётганидир.*

*Айтиб ўтдик: ҳаёт пайдо бўлгандан бери ер юзида уруш, низолар асло сўнгани йўқ. Одамзотнинг илк авлоди дунёга келган кундан бошлаб то бугунга қадар барча катта-кичик урушларни ҳисобласак, инсон боласи бир лаҳза бўлса-да осуда ҳаёт кечирмагани аёнлашади. Олимларнинг эътироф этишларича, ҳатто ёзувчиларимизнинг публицистик чиқишларида айтилишича, агар дунёда содир этилган жами урушларни назарга олсак, қадимдан то бугунга қадар инсониятнинг 1 йиллик умрига 1,5 йиллик уруш, қирғинбарот тўғри келар экан. Яъни, 60 йил яшаган одамзотга 90 йиллик уруш тўғри келади. Ҳа, ер юзида шунчалар даражада урушлар бўлиб ўтди, давом этаяпти.*

*Узоққа бормайлик. Тарихийлик нуқта назаридан қарасакда бир-биридан унчалар узоқ бўлмаган вақт оралиғидаги иккита жаҳон урушини кўрган XX аср ўз ғавғолари, тўполонларини, қирғинларини биз яшаётган XXI асрнинг ҳам елкасига ташлаб хайр-маъзур қилди. Бу жаҳон ўтган асрда қандай савдоларни кўрмади дейсиз — инқилоблар, урушлар, қонли намойишлар, шу билан бирга юксалиш даври. Бизнинг асримизда-чи? Асримизнинг дастлабки ўн йиллигининг илк дамларидаёқ халқаро терроризм, қурол савдоси, наркобизнес сингари мудҳиш воқеликлар дунёни ларзага солди. Афғонистонда 20 йилдан зиёд вақт давом этаётган уруш янада кучайди. Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистоннинг биқинида жойлашган Афғонистон халқаро терроризмнинг макони, бошпанасига айланиб қолди. Оқибат ўзингизга маълум — Афғонистондаги халқаро терроризмнинг қутқуси, заҳри нафақат Амударё ортидаги давлатлар, балки океан ортидаги Америкага ҳам етиб борди. Шу билан бирга терроризм асримиз бошиданоқ бутун тинчликсевар халқлар ва давлатларга қарши уруш эълон қилди. Ер юзидаги ҳар бир фикри уйғоқ, келажакдан умиди бор одамнинг кўзи ярқ этиб очилгандай бўлди — террор бу уруш дегани, халқаро террор дунёни остин-устун қилишга қодир, халқаро терроризм ер шарида таҳлика оловини ёқаётган ёвуз куч.*

*АҚШда содир бўлган мудҳиш воқеадан сўнг Ғарб ҳам, океан орти давлатлари ҳам, қўйингки, бутун жаҳон аҳли тинчликнинг қадри нақадар улуғлигини ҳис қилди. Дунё тушуниб қолди: террор ҳар қандай қудратли давлат тинчлик ва осойишталигини остин-устун қилиши мумкин экан. Хуллас, замонамизнинг энг хавфли жиҳати шу бўлиб қолдики, халқаро терроризм ҳар қандай мамлакатда уруш оловини ёқиши муқаррар эди.*

*Дунёнинг буюк сиёсатчи-ислоҳотчилари ўз давлатлари тақдирида мамлакатни оғир, синовли лаҳзалардан бус-бутун олиб чиқиб кетганлиги учун ҳам тарих саҳнасида шон-шавкатга тўлиқ ҳолда эътироф этиладилар. Миллатининг ғururига айланган бундай инсонлар мавжуд воқеликни олдиндан кўра билганлар. АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон демократиянинг тантанаси учун курашган бўлса, яна бир президенти Рузвельт гарчанд ногиронлар аравасида ҳокимият тепасига келган бўлса-да, ўз таъбири билан айтганда, АҚШ иқтисодини оёққа турғазди, «юргизиб юборди». Англия Бош вазири Уинстон Черчилль эса иккинчи жаҳон урушидаги ҳалокатли йўлдан мамлакатини қутқазиб, ғалаба сари олиб чиқди. Хуллас, ўз Ватани ва халқи қисматида туб бурилишлар ясаган давлат раҳбарлари талайгина. Биз уларни номма-ном санаб, бирма-бир таърифлаб ўтириш ниятида эмасмиз. Фақат Ўзбекистон давлатининг мустақиллиги асосчиси, ўз халқини истиқлолнинг оғир йилларида ёруғ кунларга ишонтириб, иқтисодий ислоҳотлар ҳамда тинч-тотувлик йўлида собит турган Президентимизнинг 90-йиллар ўрталаридан кейинги раҳбарлик даврига бир назар ташлаш. Инсоф билан айтайлик, ўша йиллар, яъни 1994 йиллардан кейинги аҳвол Марказий Осиёда нақадар кескинлашган эди. Уруш олови гуриллаб, Ўзбекистон халқи ҳам ўз келажагини қўлдан бой бериши, юрт таназзул жарига қулаши ҳеч гап бўлмай қолганди. Бу воқеаларни кўз олдингизга келтириш, хулоса қилиш учун кутубхоналарда ўтириб тарихий китобларни титкилашингизнинг ҳожати йўқ. Эслаб кўринг. Бу воқеаларнинг ҳаммаси худди кечагидай кўз ўнгимизда гавдаланади. Бир томондан иқтисодий жиҳатдан ўнгланиш, ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон барибир йўлдан адашади, илғор давлатларга қарам бўлиб қолади, деган гаплар кишиларимиз кўнглига хавотир солиб қўйганди. Бир томондан Марказий Осиёда аҳвол нотинч эди. Афғонистондаги қалтис вазият таъсири Тожикистонга ҳам кўчган эди. Нима қилиб бўлса-да, Ўзбекистон ҳам уруш гирдобида қолиши учун ҳаракат қилаётган айрим ташқи кучларга қарши бориш лозим эди. Очиғини айтганда, Афғонистонда то бугунги кунгача содир бўлиб келган урушнинг оқибати, бу уруш фақат Ўзбекистон учун хавф туғдирмагани, балки бутун дунёда халқаро террорчилик ҳамда наркобизнеснинг кенг тарқалишига сабаб бўлганини дунёнинг илғор сиёсатчи-арбоблари энди англаб етдилар. Ўйлаб кўринг, ана шундай хавф, ана шундай ажал майдонининг ёнгинасида эндигина озодликка чиққан давлатни Президент сифатида ҳеч қандай талофат ва урушларсиз бошқариш, иқтисодий ислоҳотлар самараси учун курашиш ҳар қандай одамдан жасорат, шу билан бирга фидойилик, керак бўлганда минг бир изтиробларга чидашни талаб этмайдими?! Ҳа, биз шундай тинч кунларга етиб келолмаслигимиз мумкин эди. Уруш оловида қоврилиб, оёқ остида қолишимиз ҳеч гап эмасди, қўйингки, қулоғимизгача қарзга ботиб жаҳон иқтисоди кемасидан улоқтирилиб юборилишимиз ҳам мумкин эди. Ҳа, ҳаётда ҳар қандай ҳодиса содир бўлиши мумкин. Фақат ўзини ўнглаган, вазиятни талқин этиб, бўлажак хавфдан ҳимояланишга чоғланган кишигина ўзини тутиб қолади. Бу фикрни халқ ва давлат тимсолида ҳам айтишимиз жоиз.*

*Тинчлик — сизнинг келажакдан умидингиз сўнмаслиги кафолати. Тинчлик — хонадонингиздаги нур, фарзандингиз юзидаги кулги, дастурхонингиздаги ризқ, тинчлик бўлса фарзандларингизнинг бўй-бастини кўрасиз, тўйлар қиласиз, одамдай яшайсиз, дунёга келиб инсон эканлигингизни исботлаш — яратувчанлик билан банд бўласиз. Худо кўрсатмасин, урушда на ота, на боланинг кўнглида хотиржамлик бўлади — хонадонлар мотам тусида титрайди. Дунёга инсон бўлиб келганлигингизга пушаймонлар ейсиз. Хорлик, азоб-уқубат, ўлим, қийноқ — мана уруш...*

*Нур, яхшилик, хушчақчақлик, фаровонлик — мана, Тинчлик! Ўзбекистон манфаатига ўша ўта қалтис вазиятда путур етиши мумкин эди.*

*Чунки, Афғонистондаги урушда қурол савдоси билан кўпираётган ташқи кучлар, наркотик моддалар эвазига бойиётган гуруҳлар бу ерда тинчлик ҳукмрон бўлишини истамасдилар. Қолаверса, Афғонистон дунёдан ажралиб қолган, у ҳеч қачон дунёнинг катта давлатларига хавф туғдирмайди, деган қарашлар ҳам мавжуд эди. Тўғриси, бу қарашлар кечаги кунларгача ҳам давом этиб келди. Афғонистонда шўро қўшинлари билан бўлган урушда мазкур ҳудуд ҳарбий-сиёсий полигон, қурол-яроғлар синов нуқтаси, турли хил ҳарбий аслаҳалар савдо марказига айланди.*

*Лекин Юртбошимиз Ислом Каримов Ер шарининг қайси давлатида бўлмасин Афғонистондаги тинчлик — сайёрамиз осойишталиги эканлигини ўша йиллардаёқ уқтириб келди. Масалан, 1994 йилнинг 29 июнида Президентимиз хорижий мамлакатлар ва Халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашувида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) жаҳонда, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталик қарор топиши йўлида қилаётган ишларининг юксак баҳоланиши, бу ишлар самарали якунланиши тарафдори эканлигини таъкидлаган эди. Албатта, Президентимизнинг дилидаги ният ва унинг амалга ошувида ҳар қандай йўлдан қайтмаганлиги ўша учрашувдан сўнг жаҳоннинг нуфузли нашрлари, радио ва телеканаллари орқали дунёга тарқалди.*

*1994 йилнинг декабрь ойида эса Будапештда ЕХҲТга аъзо давлатлар бошлиқларининг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Юртбошимиз ҳам бу нуфузли анжуманда иштирок этди. Бутун дунё аҳли кўз ўнгида она-сайёрамизда барқарорлик ҳукм суриши учун фидойилик қилаётган давлат раҳбари сифатида кенг жамоатчиликда ижобий фикр уйғотди. Айниқса, Президентимизнинг Будапешт минбаридан туриб айтган ушбу гапи жаҳоний аҳамиятга молик, давр қиёфасини акс эттиргани билан ажралиб турарди:* ***«Бизнингча, можаролар бўлаётган жойлардаги барча тинчликпарварлик ишлари фақатгина ЕХҲТ мандати бўйича амалга ошмоғи керак.***

***Назаримизда давлатларнинг умумий қирғин қуролларини тарқатмаслик ва айтган бўлардимки, бу қуролларнинг сайёрамиз бўйлаб ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан олган мажбуриятларига қатъий риоя этишларига эътиборни кучайтириш зарур...»***

*Бу ўринда давлатимиз раҳбари ўз позициясини аниқ-тиниқ қилиб баён этганди. Айниқса, Ўзбекистонга чегарадош давлатлардаги аҳволни тўғри баҳолаб шундай деганди:* ***«Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидаги нотинчликни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудимизга экстремизм ва ақидапарастликнинг бостириб кириш хавфига йўл қўймаслик биз учун ҳаётий аҳамиятга эгадир...»*** *Бу гаплар ўша, Будапештдаги халқаро йиғинда янграганига роппа-роса 7 йил бўлди. Ўша чоғда ҳам Ўзбекистон давлати раҳбари биргина Ўзбекистоннинг эмас, балки минтақадаги мамлакатларнинг келажаги ва манфаати юзасидан келиб чиқиб сўзлади. Қолаверса, Афғонистондаги урушга жамоатчилик фикрини қаратди. Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, бевосита Афғонистон масаласи билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Гапнинг очиғи, бу фикрлар нечоғлик ҳаётий, Ер шари қисмати минтақада ёнаётган уруш ўтини ўчириш билан боғлиқ эканлигини баъзи бир давлатлар раҳбарлари англаб улгурмаган эдилар.*

*1995 йилнинг 29 мартида Президентимиз Тошкентда Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди. Бундай анжуман ва халқаро миқёсдаги тадбирларда иштирок этиб, ўз мавқеини ҳамда сиёсий майдонда тутган ўрнини намойиш қилаётган давлатимизнинг одил раҳбари учрашув чоғида шундай таъкидлайди:* ***«Биз бу тадбирларда иштирок этишга республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишидаги муҳим восита бизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган янгиланишларга халқаро тузилмаларнинг эътиборини жалб этиш ва бу ишларда уларнинг кўмагидан фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада ривожланиши, миллий хавфсизликни, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришининг муҳим гарови деб қараймиз...»***

*Чиндан минтақада хавфсизликни қарор топтириш Ўзбекистон раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналиши эди. Оддий қилиб айтганда, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ оёққа туриб олиш учун тинч муҳит, тинч ва осойишта макон зарур эди. Тасаввур қилинг, қўшниларингиз уйидаги тўс-тўполон, уруш-жанжал, очлик ва танглик сизнинг ҳовлингизда ўйин-кулгу, тўй-томоша бўлишига тўсқинлик қилмайдими? Албатта, ён-верингизда бегуноҳ кишилар қони тўкилаётганини кўриб-билиб туриб томошабин бўлиш энг ёмони, бунинг олди олинмаса, бу кўргуликлар сиз томонга кўчишини сезсангиз, ҳаловатингиз йўқолади. Шундай тушунча билан қарасангиз ҳам Юртбошимизнинг ўша йиллардан бери то бугунга қадар осойишталик учун тинимсиз курашгани ва бу йўлда собит турганини англашингиз қийин кечмайди.*

*Юртбошимиз орадан кўп ўтмай, яъни 1995 йилнинг 11 апрель куни ГФР Федерал Президенти Роман Герцог ҳамда Германиянинг бообрў делегациясини қабул қилди. Ушбу маросимда Ўзбекистон ҳамда Германия ўртасида ривожланиб бораётгани иқтисодий ҳамкорлик кўлами, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида дадил кириб бораётгани эътироф этилди. Бироқ барча иқтисодий салоҳиятимиз манбаи минтақада тинчлик ҳукмронлиги туфайли эканлигини Президент учрашув маҳали шундай изоҳлади:*

***«Ўзбекистонда янги жамият қуриш стратегияси мамлакат ичкарисидаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнигина англатиб қолмайди. Бунёдкорона меҳнат учун зарур шарт-шароит, қўшниларимизда ҳам тинчлик ва осойишталик барқарор бўлгандагина вужудга келади.***

***Биз ягона, ўзаро чамбарчас оламда яшаймиз. Бинобарин, бу оламда хавфсизлик ё барча учун бўлади ёки умуман бўлмайди».*** *Агар диққат билан эътибор берсангиз Марказий Осиёдаги ўша кезлардаги хавф-хатар биргина шу ердаги давлат ёки халқларга эмас, балки бутун дунё давлатларига таҳдид солишини эслатаяпти. Уруш инсоният учун умумфожиа эканлигини таъкидлаяпти. Ер шари биз ўйлаганимизчалик катта эмаслигини, унинг бир бурчида ёнган уруш олови бутун ер шарининг бошқа нуқталарига ҳам кўчишини, алалоқибат, Она-заминимиз куйиб кул бўлиб кетиши ҳақида сўзлаган эди. Юртбошимиз мазкур маросимда ўз нутқини ушбу аниқ фикрлар ва таклиф билан давом эттиради:* ***«Мана шунинг учун ҳам минтақаларнинг жанубида вужудга келган вазиятдан ташвишланар эканмиз, биз халқаро ҳамжамиятни уруш чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар қўллашга чақирамиз...»***

*Агар бу ерда урушнинг олди олинмаса, жаҳон ҳамжамияти жиддий эътибор қаратиб, амалий натижага эришилмаса, инсониятни қабоҳат ва йўқлик сари бошлагувчи йўлнинг олди олинмаслиги таъкидланади ва Президентимиз шундай дейди:* ***«Мана шунинг учун ҳам биз минтақада қурол-яроғ, наркотик моддаларнинг тарқатилишига тўсиқ қўйиш, диний экстремизм ва терроризмнинг дунёнинг бошқа минтақаларига тарқалишига йўл қўймаслигимиз керак...»*** *Терроризмнинг бошқа минтақаларга тарқалишига йўл қўймаслик ғояси билан давлатимиз раҳбари Афғонистоннинг терроризм ўчоғига айланиб бўлганига ишора қилган эди.*

*Бишкекда 1995 йилнинг 28 августида бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар бошлиқларининг учрашувида йиғин иштирокчилари бўлган раҳбарларни Марказий Осиёда барқарорликка эришув учун курашишга чорлаган Президентимиз шундай деганди:* ***«Тожикистон ва Афғонистондаги аҳвол бизни ташвишлантирмай қола олмайди. Мамлакатларимиз раҳбарлари ана шу давлатлардаги можаро сўндирилишидан манфаатдор бўлишлари керак...»*** *Бу ўша йиғинда Президент Ислом Каримов томонидан қардош халқлар раҳбарлари ҳузурида ўртага ташланган муҳим масала эди. Анжуманда осойишталик тараққиёт мезони, бусиз Марказий Осиё давлатларининг дунё билан бўйлашиши мушкул кечишини Юртбошимиз фактлар асосида шарҳлаб ўтганди.*

*Орадан бир йил ўтди. 1996 йил. 22 июнь. Флоренция шаҳри. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон билан ЕИ муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Бунда ўз-ўзидан, энг муҳими, ички имкониятлари кенг Ўзбекистон билан шериклик қилишнинг иқтисодий-сиёсий асослари ҳал этилганди. Анжуманда, яъни ЕИ мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари кенгашида нутқ сўзлаган Президентимиз жамоатчилик эътиборини яна бир карра тинчлик масаласига қаратди.* ***«Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Хельсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкентни танлаганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг НАТОнинг тинчлик йўлидаги шериклик иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда...»,*** *— деди. Ушбу эътироф замирида эса тинчлик учун собитлик билан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида обрўси ошаётганидан қониқиш туйғуси, юртимиз ҳамиша тинчлик яловбардори бўлиб қолишини таъкидлаш ҳисси мужассам эди.*

*Ўзбекистоннинг халқаро майдонда, сиёсат саҳнасида Марказий Осиёдаги етакчи ҳамда кўзланган мақсадларига эриша олиши жиҳатдан имконияти кенг, шу билан биргаликда мазкур ҳудуддаги тинчлик учун жавобгарлик юкини зиммасига олган давлат ҳамда ички, беқиёс табиий ресурсларидан фойдаланиш учун шарт-шароити етарли ҳамкор сифатида дунёнинг пешқадам мамлакатлари тан олди. Ўзаро ҳамкорлик, тинчлик асосидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга киришилди. Бу албатта, Ўзбекистон учун муҳим тараққиёт омили, истиқболи порлоқ хатти-ҳаракат намунаси эди. Айниқса, 1996 йилнинг 24 июнь куни АҚШ ишбилармон доиралари учун ўтказилган Брифингда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг иштирок этиши муҳим иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлди. Шунингдек, юртимиз раҳбари Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг Ўзбекистон Президенти шарафига уюштирилган қабул маросимида нутқ сўзлади. Бунда фақат молиявий кафолатлар эмас, балки сиёсий кафолат хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Шу билан биргаликда АҚШда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносининг очилиши ва элчихона номидан ўтказилган қабул маросимида сўзлаган нутқида, бу воқеани Президентимиз Ўзбекистон — Америка муносабатларининг изчил ривожланаётганининг қонуний натижасидир, деб таъкидлади. Диёримизнинг асрлар давомида Шарқ билан Ғарб, Жануб билан Шимолни боғловчи кўприк бўлганлигини эътироф этди ҳамда юртимизнинг тарихий илдизлари хусусида сўз очди.*

***(Давоми бор)***

XORIJDA

## ҲАМКОРЛИКДА НАЗОРАТ ҚИЛИШАДИ

***Жанубий Африка Республикаси билан Ботсвана БМТнинг Анголадаги УНИТА исёнчи гуруҳига қарши санкцияси ижросини ҳамкорликда назорат қиладиган бўлди. Икки мамлакат мудофаа ва хавфсизлик маҳкамалари шундай келишувга эришди.***

***БМТ Хавфсизлик кенгаши 1993 йилда УНИТА жиноий гуруҳига қурол-яроғ ва ёнилғи сотишни таъқиқлаш ҳақида санкция эълон қилганди. Бироқ айрим давлатлар бунга амал қилмай, олмос эвазига УНИТАга ҳамон қурол-яроғ етказиб бераётир. Ҳисоб-китобларга қараганда, УНИТА 1992 йилдан буён олмос экспортидан 40 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда кўрган.***

## ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛДИ




**Беларусда «Атлант» русумли музлатгич ишлаб чиқарувчи йирик корхона бош директори Леонид Калугинга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Давлат назорати қўмитаси маълумотига қараганда, у хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, корхонанинг хориждаги валюталарини мамлакатга қайтариш тўғрисида қайғурмай, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланишда айбланган.**

## ОММАВИЙ ДАФН

*Халқаро қизил хоч қўмитаси Мозори Шариф яқинида одамлар оммавий дафн қилинган жойни топди. Маълумотларга қараганда, бир жойнинг ўзига 600 киши кўмилган. Ҳозирча бу жиноят қайси гуруҳ томонидан амалга оширилгани аниқлангани йўқ.*

## УЛУҒ МАҚСАД ЙЎЛИДА



Югославиянинг яқин йилларда Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқига қабул қилиниши мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди президент Воислав Коштуница. У Белградда ушбу икки масала юзасидан ўтказилган халқаро анжуманда сўзга чиқиб, Югославиянинг бундай нуфузли тузилмаларга кириши Болқон минтақасида тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланишига катта ёрдам беришини таъкидлади.

## ИККИНЧИ АНЖУМАН КОБУЛДА БЎЛАДИ

БМТ билан Бирлашган аксилтолибон фронти (БАФ) Афғонистон муваққат ҳукуматини тузиш борасидаги иккинчи анжуманни Кобулда ўтказишга келишиб олди. Биринчи анжуман кеча Германиянинг Бонн шаҳрида бўлди. Кузатувчиларнинг фикрича, БАФ муваққат ҳукумат тузишда хорижликлар иштирокини камайтириш мақсадида иккинчи анжуманни Кобулда ўтказишни лозим топган.

# «ДЎСТ ЭСАНГ, ЁНИМДА ТУР!»

**Бир куни Мирзо Кенжабек Шавкат Раҳмоннинг оғир бетоблигини айтиб қолди. Кўргани бордик — Нортўхта, бошқа дўстлар билан. Кўзларимга ишонмасдим. Қарсиллаган йигит эди-да! Москвада, Адабиёт институтида ўқиб келган. Беш йил. Яхши шоир. Лекин... ўта оғир беморни кўриб турардик. Шавкат тинмай йўталар эди. Ўша куни уни кўрганимдан кўнглим кўтарилиб қайтдим.**



Абдулаҳад Абиров — Онкология ва радиация институти шифохонасида дорихона бошлиғи. Дарров айтдим. Шуғуллана бошлади. Дори-дармон, яхши сўзи билан. Бошқача бўлиши мумкин эмас-да! Аёл ходималари ҳам ўзи сингари ниҳоятда хушмуомала, одобли, ҳушёр. «Ўхшатмасдан учратмас» деганлари шу бўлса керак-да.

Шавкат Раҳмон ҳақида яна бир гап. У шахмат ўйнар, лекин жуда ёмон ўйнар эди. Яхши шоир эди, лекин шахматда... Бернард Шоу бир актёрга, «Бу киши фалон-фалон ролларни яхши ўйнайди, ҳаммасидан билярдни яхши ўйнайди», деб тавсия берган-ку. Шу сингари, Шавкат Раҳмон «шахмат ўйнаймиз», деяверарди, ютқазаверарди. Лекин бир куни... чойхонада, дўстлар даврасида «шахмат ўйнаймиз» деб қолди. Мен беписанд кулдим. «Машраб ака, мана шуларнинг кўзи олдида ютаман-да, сиз билан бошқа ўйнамайман!» деди ниҳоятда завқ билан. Беписандлик билан ўйинни бошлади. Буни қарангки, ютди! Кейин мен билан ўйнамади ҳам. Ҳеч қачон!

Бир куни Мирзо Кенжабек қўнғироқ қилиб қолди. Эрталаб.

Шавкат Раҳмонни зудлик билан шифохонага олиб бориш керак экан. Қизиқ. Беморнинг аҳволи оғир, зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт. «Тез ёрдам», бунинг устига, Дўрмонда машина кўп. Буни миннат қилиб айтаётганим йўқ. Бўлган воқеани тасвирлаяпман, холос. Тезда етиб бордим. Бу гал Шавкат Раҳмоннинг аҳволи жуда оғир эди. Келин, Муҳаммад Юсуф, Мирзо Кенжабек билан зўрға машинага чиқардик. Шавкат Раҳмон бошини кўтаролмас, кўзини очолмас, жуда қийналарди. Келин билан Муҳаммад Юсуф икки ёндан авайлабгина суяб боришди. Бемор шифохонага ётди. Абдулаҳадни топдим. У афсус билан қаради-да, югуриб кетди — дори-дармон, ширин сўзи билан шифо қилишга.

Бу гал жуда хомуш қайтдик.

Шавкат Раҳмон кейин ҳам анча ётди. Нуфузли шифохоналарда.

Барибир бўлмади.

Ўтди.

Мирзо Кенжабек қўнғироқ қилди. Дарҳол етиб бордим. Бешинчи қаватда турарди. Кўтарилдим. Ётибди. Соқоллари ўсган. Келин, фарзандлари, дўст-ёрлари қуршаб олган. Айниқса, онанинг аҳволини айтмайсизми?!

Пастга тушдим. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, таниқли олим, ёзувчи, шоирлар тўпланган. Жанозага Абдулаҳад етиб борди, албатта. Кузатиб қўйдик. Яланғочга. (У ерда менинг ўттиз яшар Марварид қизим ётибди.) Келин жуда яхши лавҳа ўрнатибди, хотира лавҳаси.

Маъракалари ўтди.

... Кейинчалик менинг Шавкат деган куёвим ҳам шифохонада ётди. Абдулаҳад унга ҳам роса қарашди, зарур дори-дармонни етказиб, кўнглини кўтариб турди. Шавкат раҳматлик операцияга журъат қилмади-да... Ҳар ҳолда умид бор эди.

Булар мен билганларим. Институт шифохонаси катта. Бемор кўп. Абдулаҳад уларнинг ҳам жонига оро киргани аниқ. Ширин сўзи, муомаласи, дори-дармони билан. Бошқача бўлмайди. Табиати шунақа.

Абдулаҳад Абиров бу ерга Жиззахнинг Қўйтошидан келган. Отаси аввал тадбиркор экан. Бобоси Дангал бобо ҳам. Акалари Эрмуҳаммад, Абдусалом, Абдулла, ҳаммаси Тошкентда. Эрмуҳаммад ака узоқ йиллар мобайнида Қурилиш коллежини бошқарди. Ҳозир дам оляпти. Абдусалом ака, Абдулла ака илмий ходим.

Абдулаҳаднинг ҳовлиси жуда кенг. Қараб ҳавас қилади, тўймайди киши. Аёли шифокор. Ўғиллари Алишер, Анвар, Аброр бирам мўмин қобил, бирам мўмин қобилки... Ўта билимдон. Қобилиятли. Алишер қўшма корхонада ишлаяпти. Демак, яхши топади. Анвар Германияда ўқиб келди. Аброр академик лицейда.

Хуллас, Абдулаҳад ўзидан тинчиган йигит. Шундай ўғилларни вояга етказган киши тинчгина, хотиржам яшайдида! Абдулаҳад эса ҳар куни машинасини миниб ишга югуради. Беморнинг дардига шифо бергани. Озгина бўлса ҳам. Бошқа иложи йўқ. Табиати шунақа.

Қўйтош конгина эмас, кенглик ҳам. Ана шу кенглик Абдулаҳаднинг кўнглига ҳам ўтган. Бу ёқда — Бахмалнинг гўзаллиги. Амакиваччаси Абулфайз Баротов билан «тепишиб» катта бўлишган.

Абдулаҳад Абдулла Қаҳҳорнинг туғилган куни, хотирлаш кечасига албатта борарди. Лекин ўтирмасди. Устозларнинг, Кибриё опанинг гапини тингларди (Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Кибриё опанинг хотираси ниҳоятда кучли: у қирқ мингми-эллик мингми форсча-тожикча байтни ёддан билар, ўзи ниҳоятда завқланиб ўқир, таржима қилиб берарди. Меҳмонлар бу гапларни ҳар гал эшитгани учун кулиб ўтиравеоишарди. Лекин Кибриё опанинг ибрати мислсиздир.) Бамаъни, юракка ўрнашадиган, ақлга жойлашиб қоладиган гаплар. Қалбида, онгида шу гапларни олиб юрган киши ниҳоятда бой бўлади. Оламга бошқача, эзгулик назари билан қарайди. Абдулаҳад ана шундайлардан эди.

Кибриё опа ҳеч бир аёл, ҳатто эркак қилолмайдиган ишни қилган. Адабий жамоатчилик вакиллари йиғиларди. Абдулла Қаҳҳорнинг туғилган кунини нишонлаш, вафотини ёдлашга. Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Неъмат Аминов, Носир Фозилов ва бошқалар. Дастурхон тўкис бўларди. Абдулла Қаҳҳор ҳақида гапириларди. Лекин бир гал, Шароф Рашидовнинг устига мағзава тўкилиб турган кезлари, суҳбат мавзуси бирдан ўзгариб қолди. Ҳамма Абдулла Қаҳҳорни танқид қилишга тушиб кетди.Шундай уста ёзувчини-я! Чидаб туролмадим. Ўрнимдан туриб, анчагина сайрадим. Анаву савилдан анчагина олинган ҳам-да. Устозлар, акалар, дўстлар, уят эмасми, шунчалар ҳам мунофиқ бўладими киши, дедим. Кечагина соясига салом бериб юрган домлага бундай хуруж... Яхши эмас, яхши эмас...

Абдулаҳад Абиров адабиёт, Абдулла Қаҳҳорнинг кўпчилик мухлиси қатори, бу гал ҳам ўша ерда эди.

Кейин бошқа адабий давраларда учраша бошладик.

Ҳозир ҳам тез-тез кўришиб турамиз.

Юрагида, онгида шеър, эзгулик бўлган одам оламга бошқача қарайди. Яхши назар билан. Эзгулик назари билан. Абдулаҳад ана шундай инсонлардан.

■ **Машраб БОБОЕВ**

СПОРТ

# МЎЪЖИЗА ЮЗ БЕРМАСА...

## ЁХУД «ПАХТАКОР» «КУМУШ»ГА МУНОСИБМИ?



***Куни кеча миллий чемпионатнинг сўнгги — 36-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Натижалар қуйидагича: «Сурхон» — «Металлург» — 1:1, «Насаф» — «Пахтакор» — 1:2, «Бухоро» — «Кимёгар» — 1:1, «Қизилқум» — «Дўстлик» — 1:2, «Нефтчи» — «Турон» — 3:0, «Андижон» — «Зарафшон» — 4:0, «Самарқанд-Д» — «Академия» — 1:3, «Сўғдиёна» — «Трактор» — 2:0, «Навбаҳор» — «Семург» — 6:1.***

Кечиктирилган бир учрашувни айтмаса, футбол бўйича Х миллий чемпионат ҳам поёнига етди. Қувончу шодликларга, тасодифу мағлубиятларга бой бўлган мазкур чемпионат ўзининг бетакрорлиги билан футболимиз тарихида қолди. Айниқса, мавсум давомида ўтказилган ўша нуфузли мусобақа — ЖЧ-2002 саралаш ўйинлари ва унда иштирок этган футболчиларимизнинг кўрсатган «қаҳрамонлик»лари ҳали-бери футболсеварлар кўз олдидан кетмаса керак. Нима ҳам дердик, бу — спорт. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин. Айтишади-ку, футболчи футболни эмас, футбол футболчини кашф этади, деб.

Қалбига Ватан меҳрини туғиб, шижоат, мардлик, жасоратни олдига мақсад қилганни ҳамиша эл-юртнинг дуоси қўллайди. Бу гапни миллий чемпионатимизда тўп сураётган йигитларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Муҳими, улар қайсидир маънода ўзларига билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилишяпти. Хусусан, чемпионат якунланишига уч тур қолганда «Нефтчи»нинг бешинчи бор биринчилик шоҳсупасига кўтарилишини олайлик.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда футболга бўлган эътибор ҳозир ҳар қачонгидан кучли. Футболчиларга яратилаётган шароитларни-ку қўя турайлик. Шундай экан, улардан талаб этиладигани — шу эътиборга муносиб бўлиш, қолаверса, юрт номини оқлаш.

Бу галги мавсум кимгадир омадли келган бўлса, кимга... Иккинчи давра бошида яхши имкониятга эга бўлган айрим жамоалар тасодифми ёки спортнинг азалий «қилиғи» туфайлими мавсум сўнггида мухлисларга сабр тилашдан ўзга чора топишолмаяпти. Сўнгги тур учрашувларига тўхталадиган бўлсак, унда асосий баҳс кумуш медалга даъвогар «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Чиройли ўйин намойиш этган «Насаф» ўйинчилари сўнгги дақиқагача тошкентликларнинг қаршилигини синдиришга ҳаракат қилишди. Айниқса, юзага келган дуранг вазиятни ўйин охиригача сақлашга интилишди. Бироқ... қўшимча дақиқада «Пахтакор»га омад кулиб боқиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Начора, «Насаф» футболчиларининг аҳволини тушунса бўлади...

Муддатдан илгари олтин медални нақд қилган «Нефтчи» футболчилари «Турон» жамоаси билан фақатгина оёқларнинг «чигилини ёзиш» учун майдонга тушди, дейиш мумкин. Гарчи ғалаба фарғоналикларга унчалик зарур бўлмаса-да, ўйин уларнинг фойдасига якун топди.

Қолдирилган бир учрашув эртага бўлиб ўтади. Ғалабадан сўнг иккинчи ўрин учун яхши имкониятга эга бўлган «Пахтакор» ўз майдонига турнир аутсайдери «Семург»ни қабул қилади. Агар мўъжиза юз бериб ангренликлар пойтахтликлар устидан ғалаба ёки дурангга эришмаса, «Насаф»чиларни кўп орзиқтирган кумуш медаль «Пахтакор»га насиб этиши шубҳасиз.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ**

| | | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Нефтчи» | 34 | 27 | 3 | 4 | 93-27 | 84 |
| 2. | «Насаф» | 34 | 22 | 5 | 7 | 82-47 | 71 |
| 3. | «Пахтакор» | 33 | 22 | 3 | 8 | 64-52 | 69 |
| 4. | «Навбаҳор» | 34 | 20 | 1 | 13 | 79-32 | 61 |
| 5. | «Академия» | 34 | 16 | 11 | 7 | 72-45 | 59 |
| 6. | «Қизилқум» | 34 | 16 | 5 | 13 | 48-35 | 53 |
| 7. | «Бухоро» | 34 | 15 | 3 | 16 | 57-58 | 48 |
| 8. | «Андижон» | 34 | 15 | 3 | 16 | 64-58 | 48 |
| 9. | «Дўстлик» | 34 | 14 | 5 | 15 | 73-60 | 47 |
| 10. | «Сўғдиёна» | 34 | 14 | 5 | 15 | 45-51 | 47 |
| 11. | «Трактор» | 34 | 13 | 7 | 14 | 54-58 | 46 |
| 12. | «Самарқанд-Д» | 34 | 14 | 3 | 17 | 62-68 | 45 |
| 13. | «Зарафшон» | 34 | 11 | 7 | 16 | 50-59 | 40 |
| 14. | «Металлург» | 34 | 9 | 12 | 13 | 42-60 | 39 |
| 15. | «Сурхон» | 34 | 12 | 2 | 20 | 42-71 | 38 |
| 16. | «Кимёгар» | 34 | 9 | 7 | 18 | 36-60 | 34 |
| 17. | «Турон» | 34 | 8 | 6 | 20 | 36-77 | 30 |
| 18. | «Семург» | 33 | 2 | 4 | 27 | 36-117 | 10 |

# INTER-SPORT

## БАРЧА ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Ниҳоят икки йилдан зиёд вақтдан буён давом этган жаҳон чемпионати саралаш баҳслари ниҳоясига етди. Сўнгги 32-ўрин учун бўлиб ўтган плей-офф мусобақаларида Австралия ва Уругвай терма жамоалари баҳслашдилар. Дастлабки учрашув Австралиянинг Мельбурн шаҳрида ўтказилиб, унда австралияликлар ғалаба қозонишганди. Монтевидеодаги ўйинга эса қизиқиш катта эди. Ўйиннинг 15-дақиқасидаёқ моҳир ҳужумчи Дарио Сильва ҳисобни очган бўлса, иккинчи таймда Моралес икки бор Австралия дарвозабони Шварцерни доғда қолдирди. Меҳмонларнинг қарши ҳужумларидан ҳеч қандай фойда чиқмади, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган уругвайликлар сўнгги—32-йўлланмани қўлга киритишди.



Шундай қилиб, Жанубий Корея ва Японияда келгуси йилнинг ёзида ўтказиладиган жаҳон чемпионати қатнашчиларининг барчаси маълум бўлди. Булар: Франция (жаҳон чемпиони), Жанубий Корея ва Япония (майдон эгалари), Англия, Аргентина, Бельгия, Бразилия, Германия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Камерун, Хитой, Коста-Рика, Мексика, Нигерия, Парагвай, Польша, Португалия, Россия, Саудия Арабистони, Сенегал, Словения, АҚШ, Тунис, Туркия, Хорватия, Швеция, Эквадор, Уругвай ва Жанубий Африка Республикаси.

Бу галги саралаш баҳсларида тўрт карра жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси сўнгги турлардагина ўз олдига қўйган мақсадига эришди. Зеро, Бразилиясиз жаҳон чемпионати зерикарли бўларди-да. Жанубий Америка гуруҳида аргентиналиклар 43 очко жамғариб, аллақачон ғолибликни қўлга киритган эди. Эквадор эса иккинчи ўринни банд этди. Бразилия сўнгги тур олдидан Боливияга 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Охирги ўйин эса ҳал қилувчи тус олди. Сан-Луис шаҳридаги «Кастелау» стадионида 65 минг томошабин гувоҳлигида Бразилия—Венесуэла жамоалари учрашди. Бунда бразилияликлар шиддатли ўйин кўрсатишди. Аввал учрашувнинг 10-дақиқасида моҳир ҳужумчи Луизау ҳисобни очди. 18-дақиқада эса иккинчи тўпни унинг ўзи рақиб дарвозасига йўллади. «Барселона» ярим ҳимоячиси Ривальдо эса ўткир бурчакдан туриб, дарвозани ишғол қилди. Шундай қилиб 3:0 ҳисобида ғалабага эришган Бразилия терма жамоаси жаҳон чемпионатига борадиган бўлди.

## ИТ ВА МУШУКЛАР ФИФА ҲИМОЯСИДА

*ФИФА президенти Йозеф Блаттер ўзининг ўринбосари — ФИФА вице-президенти, Жанубий Корея Республикаси футбол уюшмаси президенти Чун Мон Чжунга мактуб йўллаб, унинг қабулхонасига кўплаб экологик ташкилотлар ва турли шахслардан жаҳон чемпионати ўтказилаётган Жанубий Кореяда ит ва мушуклар истеъмол қилинаётганлигига таассуф билдирилган хатлар кўпайиб қолганлигини айтди. Блаттер Жанубий Корея парламенти депутати ҳисобланган Чун Мон Чжунга мурожаат қилиб, уни бундай бедодликка тезроқ барҳам беришга чақирди. Блаттернинг таъкидлашича, жаҳон чемпионати Жанубий Кореяни дунё мамлакатлари олдида бераҳмлик бартараф этилган юрт сифатида танилишини таъминлайди. Чун Мон Чжун эса бу муаммо билан жиддий шуғулланаётганлигини ва яқин кунлар ичида шу масала юзасидан парламентга чиқишини айтган.*

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Fargonada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Tursunali O'RMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

## ҲОЖИ АКБАРОВИЧ ҲАКИМОВ



**Ўзбекистон тиббиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика ва тиббиёт соҳаси фаоли Ҳожи Акбарович Ҳакимов 92 ёшида вафот этди.**

**Ҳожи Ҳакимов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий педагогик ва тиббий меҳнат фаолияти давомида дорихона санитарлигидан республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори лавозимигача бўлган машаққатли, лекин шарафли йўлни босиб ўтди.**

**У 30-йилларда саводсизликни тугатиш кампаниясида ва ўзбек қизларини мактаблардаги тиббиёт ҳамшираси курсларига жалб этиш ишларида қизғин фаолият кўрсатди.**

**1933 йили Ўрта Осиё тиббиёт институтини битириб, институтнинг жарроҳлик клиникасида ординатор бўлиб ишлади. 1935 йилда эса безгакка қарши кураш учун ўз хоҳишига кўра Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига ишга отланди ва туман касалхонасига раҳбарлик қилди. Сўнг Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарди. 1939 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбосари лавозимига тайинланди.**

**1941 йилдан 1944 йилгача иккинчи жаҳон урушида иштирок этди. Урушдан сўнг Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарди. 1946 йили республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлигига тайинланди.**

**1951 йилда тиббиёт фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлади.**

**1961 йилдан 1985 йилгача Ҳожи Ҳакимов республика Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтини бошқарди. Унинг раҳбарлигида институтнинг моддий-техника базаси яхшиланди: гематология ўринлари кўпайтирилди, янги илмий лаборатория ва ишлаб чиқариш бўлими очилди, Тошкентда республика Гематология маркази учун янги бино қурилиши бошланди.**

**Унинг фаол аралашуви натижасида институтда 7 та докторлик ва 51 та фан номзодлиги ёқланди.**

**Ҳожи Акбарович 118 та илмий ишнинг, шу жумладан, 2 та монографиянинг муаллифидир.**

**У гематолог кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Институт директори бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. Меҳнатлари эвазига бир қанча давлат мукофотларига сазовор бўлди.**

**Ҳ. А. Ҳакимов нафақат республика, балки бошқа давлатларда ҳам ном чиқарган тиббиётчи эди. Ўта зийрак, ҳозиржавоб, куюнчак, иқтидорли ташкилотчи, ўз соҳасининг билимдон мутахассиси, олим, педагог, устоз Ҳожи Ҳакимовнинг ёрқин сиймоси унутилмайди.**

**РЕСПУБЛИКА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**




## КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

*Икки каллакесар суҳбатлашмоқда:*

*— Айт-чи, Колян, сен менинг дўстимсан-а?*

*— Ҳа.*

*— Агар мени ўлдириш учун сенга пул беришса, ўлдирармидинг?*

*— Нималар деяпсан, Витёк. Ахир дўстмиз-ку! Орада пул ўйнамайди, текингаёқ бир ёқлик қилиб қўя қоламан.*

* * *

*Икки босқинчи бир ишбилармонникига бостириб кириб, унинг оёқ-қўлини арқон билан боғлашибди-да, ҳовлидаги қудуққа оёғини осмондан қилиб туширишибди. Бироз тургач, тортиб олиб, сувга бўккан ишбилармондан талаб қилишибди:*

*— Тилла тақинчоқ, доллар, бриллиант борми?*

*— Йўқ, ўртоқлар, ҳеч нарса йўқ.*

*Босқинчилар яна сувга бўктиришибди ва яна сўрашибди. Яна «Йўқ» жавобини эшитгач, яна сувга узоқ чўктиришибди. Сўнг тортиб олиб сўрашибди:*

*— Олтин, бриллиант, доллар борми? Акс ҳолда, ўлиб кетасан.*

*Ишбилармон нафаси бўғзига тиқилиб дебди:*

*— Ўртоқлар, сизлар яхшиси бошқа бир ғовvосни қудуққа туширсаларингиз бўларкан. Ахир мен қудуқ тубида ҳеч нарсани кўрмаяпман.*

*Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «ЭКСИМ АЗАМАТ» МЧЖ*

**ТУГАТИЛАДИ.**

*Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида 22-79-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.*

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси «Ўзбекистон овози» газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири Маҳмуджон Парпиевга онаси

**Инобат ая ПАРПИЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Ё.Исҳоқовга укаси, шунингдек, бўлим мудири, филология фанлари доктори, профессор Б.И.Саримсоқовга акаси

**Мумтоз (Нуъмон) САРИМСОҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.